

Ушбу
сонда:

**ЛОҚАЙДЛИКДАН
ҚАЧОН
ҚУТУЛАМИЗ?**
Очқ ва очқиқ гаплар эгасини
топармикни?
2-бет.

УМУМИЙ АМАЛҲЕТ ВРАЧИ ИЗОМИ
4-бет.

**КАСБГА
БАХШИДА
УМР**
7-бет.

Зеленая аптека
ИНЖИР
8-я стр.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ ЎЗБЕКИСТАНА

«Инфекционнинг кўзи лоҳидек ўткир,
қўллари қизларнинг қўлларидек майин,
ақли қлон қабди дошнамд,
қалби шариқидек дошнам
булгани қорак».

«Врач должен обладать
глазами сокола,
руками доушкис, мудростью змеи
и сердцем льва».




Абу Али ибн Сино.



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган. № 30 (286) 2002 йил 30 июль — 5 август.

Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.

Бундай
мураккаб
жараёнлар
тиббийёт
ходимидан ўта
масъулият ва
зийраклик талаб
этади.
Сермулоҳазали
ва теран фикрли
бўлмоқ тиббийёт
ходимининг



билимдонлигини
янада
бойитади.

Суратларда:
Республика
шошилини
тиббий ёрдам
илмий
марказининг
фаолиятдан
лавҳалар.

— Жаррохликнинг
хам ўзига хос
қийинчиликлари бор, —
дейди Тошкент шаҳар
Мирзо Улуғбек тумани
20-оилавий
поликлиникасининг
жарроҳи Яшин
Ҳасанов.

Суратлар муаллифи
Асен НУРАТДИНОВ.

3-4-5-6-бетлар.

«Саломатлик»
лойиҳаси
Project «Health»



Здоровье



Правительство
Республики
Узбекистан

Международный банк
реконструкции
и развития

Олий Мажлисида ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА — МУҲИМ ВАЗИФА

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишнинг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тамойиллардан бири — бу кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Унга кўра, аҳолининг кам таъминланган қатлами — қариялар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиб белгиланган. Бугун айтилган вазифани амалга оширишнинг қонуний асослари яратилиб, улар ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури бунинг бир мисолидир.

Айтиш мумкинки, ушбу дастур кенг қамровли бўлиб, уни бажариш учун кўплаб вазирликлар, муассасалар ва жамоат ташкилотлари жалб қилинган. Қолаверса, дастур қариялар ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олган. Яъни уларга бериладиган нафақалар, турли имтиёзлар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлигини сақлаш ва тиклаш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига киради.

Айни пайтда Давлат дастурининг бажарилиши ҳукумат томонидан жиддий назорат қилиб борилаётган. Унда кўзда тутилган ҳар бир тадбирни ҳаётга татбиқ этиш учун унинг илмий асосларини яратиш, аниқ режа асосида оқилона иш олиб бориш зарур бўлади.

Яқинда Олий Мажлиснинг ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси томонидан ўтказилган илмий-амалий конференцияда ана шулар хусусида сўз юритилди, баҳс ва мунозаралар бўлди. Унда қариялар саломатлигини дори воситалари ва дори воситаларисиз тиклаш асослари қандай амалга оширилаётганлиги масаласи ўрғанилди. Уни кўмита раиси М. Сафеева бошқарди.

Маълумки, кексайган сари инсон организми кучсизланади. Шунинг учун улар организмдаги касалликларни даволаш анча мураккаб. Барчамизга аён, бобомиз Ибн Сино кексалар танасидаги бошқа ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда дори воситаларини имкони борида камроқ тарзда қўллаб, организмнинг ички имкониятларини кўпроқ ишлатиш кераклигини тавсия қилганлар.

Анжуманда таъкидланганидек, мана шу масалаларнинг ечимини топиш, яъни қариялар саломатлигини дори воситалари ва дори воситаларисиз тиклаш борасида республикада қатор илмий изланишлар олиб борилаётган. Кексалар саломатлигини тиклаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланган. Демократизм, дори воситалари учун ажратилган маблағларни ўз вақтида етказиб бериш, пенсия таъминотини такомиллаштириш, тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатишни яхшилаш муҳим вазифалардан биридир. Конференцияда иштирок этган нотиклар бу вазифани амалга ошириш борасида муаммолар ҳам учраб турганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида турли тақлиф ва мулоҳазалар ҳам билдирди.

Шу билан бирга, анжуманда қариялар саломатлигини тиклаш учун ажратилаётган маблағлар, дори-дармон таъминоти, қариялар, ногиронлар, ёлғиз кексалар соғлигини тиклаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди.

Конференцияда билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиб, мутасадди ташкилотларга юбориш ҳақида келишиб олинди.

ЎЗА мухбири.

НОВОСТИ АНГЛИКЛАР

ОТКРЫЛСЯ САНАТОРИЙ В ХУМСАНЕ

В кишлаке Хумсан Бостанлыкского района Ташкентской области сдан в эксплуатацию новый санаторий по лечению заболеваний печени, желудка и желчного пузыря. Там же началось и строительство цеха по розливу минеральной воды, способствующей лечению этих заболеваний.

Санаторий включает в себя главный корпус со всеми удобствами, пять двухэтажных коттеджей на 140 человек, столовую на 150 мест, бассейны для детей и взрослых. Разбит сад с различными фруктовыми и декоративными деревьями. Для отдыхающих в санатории будут работать чайхана на берегу реки Угам и магазины по продаже товаров повседневного спроса. 150 жителей кишлака Хумсан будут обеспечены работой, когда полностью начнут действовать санаторий, построенный строительно-монтажными и отделочными организациями акционерной компании «Узбексаудо».

ФОНД ДЕТЯМ

В дни летних каникул не оставляя без внимания детей и Ташкентское областное отделение фонда «Соглом авлод учун». Представители фонда, посещая места отдыха, раздают оздоровительным лагерям «аптечки» с необходимыми лекарствами и медикаментами. В этих аптечках имеются целый набор необходимых медицинских препаратов для оказания первой помощи. Такие аптечки уже доставлены для детей Приаралья, отдыхающих в лагерях «Чимкан», «Хумо», «Бахт», «Наргиз», «Тонг».

Сейчас в области действует 17 лагерей. За лето в них отдохнут 16 тысяч мальчиков и девочек, среди которых полторы тысячи школьников из Каракалпакстана и Хорезма.

ТИББИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

Утган хафта Тошкент шахар хохимлигида республика Хотин-кызлар кўмитаси билан ҳамкорликда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустахкамлашни янада яхшилашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Бош вазир уринбосари, Хотин-кызлар кўмитаси раиси Д. Гуломова юртимизда оила, она ва бола манфаатларини яхшилашга давлат савбатиинг устивор йўналиши сифатида аҳамият берилаётганини қайд этди. Бу борада қабул қилинган дастур ва қарорлар ҳаётта ижтимоий таътиб этиштирди.

Шу йил 5 июлда Вазирлар Маҳкамаси оилада тиббий маданиятини ошириш, аёллар соғлигини мустахкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Унга қўра, оилада тиббий маданиятини ошириш, аёлларнинг соғлигини мустахкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Унда ҳомиладор аёлларга ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, болалар ва туғишга ёрдам бериш муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўсимир қизлар ва фарзанд қуриш ёшдаги аёлларнинг экстрагенитал касалликларини даволашга давлат, жамоат ва ҳукумат қарашли бўлган ташкилот ва тузилмаларнинг вазифалари белгиланган.

Семинарда бу борада ёшларнинг репродуктив саломатлиққа оид билимларини ошириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, шифокорлар малакасини ошириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда оилалардаги тиббий саводхонлиқни ошириш, аёллар ва ўсимир қизлар саломатлигини мустахкамлашда хотин-кызлар кўмиталари, тиббиёт муассасалари ва кенг жамоатчилик ишлари янада фаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

У.А.

Инсон ҳамиша гўзалликка, покзалликка интилади. Обод жойни қуриб кўнглимиз равшан тортади. Ақинча бўлса таъбимиз хира бўлади. Азалдан халқимиз «Сариштали жой – фаршталга жой», деб келган. Хонадон соҳиблари соҳибалари кўчага ахлат чиқариб ташлашни ўзларига ор билишган. Оқар суви булғаш энг ёмон одат ҳисобланган. Лоқайд-лигимиз сабаб бўлибми, эринқолдигимиз туғайлими, ҳарқалай баъзан ўз соғлигимизга ўзимиз зомин бўламиз.

Афсуски айрим фуқароларимиз миллатимиз учун хос бўлган ана шундай одатларни унутиб қўймоқдалар. Ҳозирги кунда пойтахтимиз бўлиши Тошкент шаҳри таниб бўлмас даражада кўркамлашиб, обод бўлиб бораётган бир вақтда чиқиндиҳоналарнинг кўпайиб кетаётгани оқ қўлгадаги қора доғдек кўзга хушқў кўриниб турибди. Айрим кимсалар жамоатни, ўзи яшаётган маҳалла аҳлини менсимган ҳолда дуч келган ерга чиқиндиларни ташлаб, атроф-муҳитни ифлослантиришмоқда. Шаҳримиздаги бундай аҳволни, у ердаги манзарани қуриб таъжжуболансан киши. Наҳотки раҳбарлар ана шундай манзараларни қўришмаётган бўлишса? Гўёки ўзи шундай бўлиши керакдек. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологининг бузилаётганлиги, саломатлик учун қанчалик ҳавфли эканлиги ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Шунингдек, лоқайдлик туғайли қўллаб қўчаларимиз юзиде ахлатхоналар пайдо бўлган. Наҳотки маҳалла оқсоқоллари, туман раҳбарлари кўча юзидеги бундай нохуш манзара, ачинарли аҳвол билан мурожа қилишса? Хар қадамда киши гашига тегадиган чиқиндиҳоналар мавжуд. Бу ерга нафақат челақ ва араваларда, ҳаттоки машиналарда турли хил чиқиндиларни олиб келиб тўқишмоқда. Қурилиш қолдиқлари, хар хил кераксиз темир-терсақлар, эски-туски латта-путталару шох-шабақларимиз – нималар йўқ дейсиз бу ерда. Шуниси қизиқки, ушбу «ахлатхона»дан 50-60, нари борса 100 метр узоқроқда поллиз экинлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда. Ваҳоланки, туман СЭС раҳбарияти ушбу тарзуларини текширувдан ўтказди-ю 100 метр наридаги чиқиндиҳонага назар ҳам ташлашмади. Ахир бу қандай ҳоқ? Наҳотки...

Ҳа, минг-минг афсуслар бўлсинки, ахлат ташловчиларнинг ҳеч ким «мушугини пишти, товуғини кишт» демапти.

Шу билан бир қаторда ахлат ва чиқиндилар оқар сувларга оқизилимоқда. Ахир оқар суви

ЛОҚАЙДЛИКДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Очиқ ва ачиқ гаплар эгасини топармикин?

булғаш ҳиёлат эмасми? Сув бу Олоқнинг бизга юборган буюк неъматиди. Сув ҳавзаларини асраш, қўриқлаш ва эҳтиёт қилиш юзасидан хар бир ўлкада бу ишга жиддий қараш зарур. Шундай экан, биз экологиямизни асраш учун ниямалар қилганимиз? Мушакил юртимизнинг ободончилиги, гулла-яшнаши учун ўз ҳиссамизни қўшаёлими? Шунингдек, биз Она тибиятимизни, буюк неъматимиз бўлиши сувимизни асраб, авайлашга қодирми? Албатта барчасига қодирмиз. Ҳаммаси қилинмадан келади. Бирок биз атроф-муҳитга ва бизни ўраб турган Она табиятга назар ташламай қўлиб, Сувимизни асраш ўрнига уни хар хил чиқиндилар билан тўлдирмоқдамиз. Агарда, шаҳримизнинг четларини айлансангиз бунинг яққол гувоҳи бўласиз. Шаҳримиздаги жиуи оқаётган анҳорлардан тортиб, то кичик ариқларчага назар ташласангиз, у ерда сув эмас, балки ифлосликларни кўрасиз.

Минг афсуслар бўлсинки, қанчалариди шу анҳор ва ариқчалардан тиник ва зилол сувлар оққанга ишонинг келмайди. Ота-боболаримиз мана шу ариқчалардан қўллаб сув олиб ичганиларини қўз олдинга келтира олмаган киши. Ҳаттоки, таъкидлаб қўйилган ерларга ҳам тоғдек-тоғдек қилиб ахлат ўсимлари ташлаб кетилган. Бунинг натижасида сувларимиз экологияси бузилиб кетмоқда ва шу сабабли жамиятимизда ёт бўлиб кетган касалликлар эпидемияси туғилимоқда. Бу чиқиндилар касаллик тарқатиш манбаи бўлиб қолаётганлигини, инсонлар

хаётига ҳавф солаётганини наҳотки мутасадди ташкилотлар билишмаса?

Биз юқорида экология ва тақши муҳитда бўлаётган муаммо ва камчиликлар ҳусусида тўхталсак-да, унинг ёнида ёндош бўлиб турган, кўз юмиб ўтиб бўлмайдиган, кўндалик истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳусусида ҳам

тўхталиб ўтишни ҳоиз деб билдик. Ҳозирги кунда бизда нима кўп хар қадамда очилган савдо дўконлари. Уларда истеъмол қилишнинг ўз учун хоҳлаган маҳсулотингиз бор. Аввало, инсонларнинг соғлиги шу нарсага тақалмоқда-ки, харид қилинадиган маҳсулот биринчи наъбатда сифатли, инсонга наъбатда эса ўз муддатига эга бўлиб, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда сотилиши керак.

Минг афсуски, сиз билан биз ўйлаганчалик эмас. Савдо дўкони чалар қолиб, кўча-кўйда сотува қилган маҳсулотларни аҳолига қараб ачинаб кетасан киши. Эртадан кечгача кўчада турган маҳсулотнинг сифати яхшилиги ҳам қафолат бера олади? Кун бўйи жазирама қўшининг тафтида сифатини йўқотган маҳсулот, инсон саломатлигига нақадар зарар ақанини мутасадди раҳбарлар биладиларми? Қўллаб савдо дўконида бўлганимизда музлаткичлардаги маҳсулотларни аҳолини қўриб ачинасиз. Гар муддати ўтиб кетган бўлса-да, харидорларга сотувчилар қўшқўллаб сотадилар. Айнакча, Туркия, Эрон ва Хитой давлатларининг маҳсулотлари сифат ва муддат жиҳатидан талабга жавоб бермаслигида бир неча бор амин бўлдик. Сотувчилар харидорлар соғлигига зарар бўлган хар қандай маҳсулотларни муддати ўтганга қарамадан нархини арзонлиги туғайли олаётганликлари кишини таъжжублантиради.

Шунингдек, кўча-кўйда сотилаётган қандалот маҳсулотларига эътибор берганимиз? Агар кун

қу

затган бўлсангиз хар бир метрнинг чиқинди жойларида ана шундай маҳсулотларга қўзингиз тушади. Санитария-гигиена қоидаларига умуман риоя қилинмай, усти очик ҳолатда сотилади. Яна шуниси ачинарлики, йўл ёқасида, йўловчилар ҳамда транспортлар қатновчи жойлардаги сотилаётган маҳсулотларни айтмасак ҳам бўлади.

Бундай ашқари ҳусусий дўконлардаги турли хилдаги қандалот маҳсулотларининг (айниқса турли хилдаги печенье-лар) муддатлари ўтиб кетсада сотувчилар чиройли қилиб пештахтага тегиб қўйдиларда, харидорлар келтиришадилар. Натижада қўллаб норасида тўдақларда аллергия ва ичкетар касалликлари юз бериб, нохуш ҳолатларга олиб келмоқда. Чунки кўп ҳолатларда бу маҳсулотларни ёш болалар харид қилишади. Ачини пишқиқиб вақтидаги мева-сабзавотларни айтмай-қизми? Гарчанд бозорларда савдо расталари бўлса-да, кўча-кўйда, оёқ остидаги мева-сабзавотларнинг қалишиб ётгани нима дейсиз? Агар биз ёзамиз десак, бундай ҳолатларни қўллаб қўйганимиз мумкин. Ҳа, мутасадди раҳбарлар томонидан йўл қўйилган бундай назоратсизликлар халқимиз соғлигига бўлган эътиборсизлик эмасми? Биз айнан биргина Тошкент шаҳримизни эмас, бутун республикамизда вилоятларидаги ҳолатларни ҳам оз бўлсада қаламга олдик.

Савол туғилди: хўш, бу жойларнинг эгалари борми? Бор бўлса, нега улар ўз ваколатлари даражасида айбдорларга чора қўрмаптилар? Қачонгача улар бундай нохуш манзаранинг томошабини бўлиб турадилар?

Бизнинг мақсадимиз кўча ҳусусини бузувчиларни аниқлаш эмас, балки айрим ноинсоф фуқароларини инсофга қақширдир. Шаҳримиз ободлиги – дилимиз қароғонлигидир. Ўзимиз яшаб турган масканин хар томонлама мамунали, қўрқам гўшага айлантиришдан иборат эмасми?

Келинг азизлар биргина мутасадди раҳбарлар демасдан хар бир кишини кўз остига турмуш тарзини тарғиб қилишга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

ИБОДАТ СОАТОВА,
ҲОЛМУРОД РАББАНАЕВ,
«Узбекистонда соғлиқни сақлаш» «Здравоохранение Узбекистана» газетасининг махсус мухбирлари.

Шифокор оғохлантиради

ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Маълумки, озодалликка етарли эътибор бермаслик, оқар сувлардан қайнатмасдан фойдаланиш, хар хил чиқиндиларни тўқилиш, ахлат ташлашнинг кўпайиб кетиши, аҳоли ўртасида санитария-гигиена қўиқмаларининг паст савияда бўлиши ўткир ошқозон-ичак касалликларининг кенг тарқалиб кетишига қўлай шароит туғдиради.

Қўпгина ошқозон-ичак касалликлари ақсарият инсонларга хос бўлган касалликдир.

Касаллик микроблари бемор организмидан ташқарига чиқиб, турли йўллар билан сув, мева, тамаққўлақ, тушт, сўт ва бошқа оқват маҳсулотлари орқали соғлом одамга ўтиши мумкин. Шунингдек, болалар қўмилганда сув билан бирга микробларни ҳам ютиб юбораверадилар, натижада ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бу ўринда ёзинг иссиқ иклими маҳсулотларга тушган микробларнинг қўпайиши учун дава қўлай эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Маълум бўлишича, оқват маҳсулотлари, ҳатто қаттиқча тушган зарарли микроблар ҳарорат 30 дан оқори бўлган шароитда 2 соат ичида бир неча минг марта қўпайиб кетар экан. Бунинг натижасида зарарланган оқват маҳсулотларининг истеъмол қилинган одамнинг зарарланиш ҳоллари кузатилади. Шунини унутмаслик керакки, зарарланган оқват маҳсулотларини иштиш, ҳатто қайнаташ, тупланган микроб захари – токсинларига қор қилмас экан.

Одам зарарланган оқват маҳсулотларини истеъмол қилганидан сўнг бир неча соат, қўп билан 1-1,5 сутка ўтгач, касаллик аломатлари намоён бўла болайди.

Касаллиқнинг қайси кўринишида, қандай оғирликда, қанча муддат давом этиши организмнинг касалланишдан олдинги ҳолатига, захарланишга сабаб бўлган микробларнинг ҳусусия

тига ва уларнинг кўп ёки озлигига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам бир хил оқват ёб захарланган кишиларнинг баъзиларида касаллик гўят оғир кеча, бошқаларида анғирок, айримларида эса, оёқ унда «ўтказадиган касаллик» кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Хасталиқнинг аломатларига қўра оқватдан захарланишнинг гастрит, гастроэнтерит, гастроэнтерит, энтерит каби шакллари фарқланади. Агар гастрит ақсарияти лоҳаслик, иштаҳанинг бузилиши, бир неча марта қайт қилиш билан намоён бўлса, энтеритда умумий аломатлар бўлса ҳам қайт қилиш кузатилаётган, лекин 4-5 марта ич сувдек кетади.

Бошқа шаклларга нисбатан касаллиқнинг гастроэнтерит кўринишида намоён бўлиши кўпроқ учрайди.

Бундай касаллик аломатларининг рўёбга чиқиш муддатига қараб, у энгил, ўрта оғирликда ва оғир кўринишда кечishi мумкин.

Оқватдан захарланиш энгил кечганда қисқа муддатли бош оғриги, лоҳаслик, тутоқиш, иштаҳанинг йўқолиш ва уюшишдан сўнг қоринда туташ оғрик пайдо бўлади. Бир оздан сўнг кўнгил айнаб, қусиш бошланади.

Кейин сувдек ич кетади. Бу аломатлар узоққа қўзилмайди. 1-2 кун ичида тузалуши кузатилади. Лекин шунда ҳам дармонсизлик 4-5 кун давом этади.

Касаллиқнинг ўрта оғирликда кечадиган шакли, юқорида қўрсатилган аломатларидан ташқари, иситимнинг 38-39 гача қўтарилиши, қайт қилиш ва ич сўришининг бир неча марта тақрорланиши яққол ифодааланган дармонсизлик билан намоён бўлади. Касаллиқнинг асосий аломатлари 3-4 кунгача сақланиб туради.

Оқватдан захарланишнинг оғир кечадиган ҳоллари касаллик муддати билан бошланиб қисқа муддат ичида қалтираш билан харо

рат 39-40 гача қўтарилади. Қориндаги оғрик қўчи бўлади. Бемор деярли тўхтовсиз қайт қилади ва ич кетиши. Кетма-кет қусиш ва ич кетиш беморни нихоятда ҳолислапантириб қўйди, қорак томирлар тизимининг фаолияти бузилиб, тери оқаради, лаб қўқаради, томир уриши тезлашади ва суст бўлади. Қўпича мушакларда, айнакча, болдир мушакларида тиришиш кузатилади. Бундай ҳолатдаги беморга шошилинч медицина ёрдами қўрсатилмаса ёмон оқбатларга олиб келиши мумкин.

Хўш, бундай касаллик аломатлари пайдо бўлса нима қилиш керак? Айрим беморларда ҳолисла ёрдам тариқасида хар доим ошқозонни ювишни маслаҳат берадилар. Бу ўринда шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қусиш ва қоринда оғрик пайдо бўлиши фақатгина оқватдан захарланиш рўй берганда эмас, бошқа касалликларда ҳам учраши мумкин.

Оқватдан захарланиш аломатлари билан кечган қўпгина беморлард ифракти ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай ҳолларда ошқозонни ювиш ёрдами беморни қўлсиздан, мултоққо тўғри келмайдиган, бемор аҳолини яна ҳам оғирлаштирадиган тадбир ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қандай оғирликда намоён бўлишидан қатъий назар оқватдан захарланиш аломатлари пайдо бўлганда дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим. Чунки фақат врач касаллиқни аниқлаб олади ва даволаш қораларини тўғри қўлайди.

Врачга қанча эрта мурожаат қилинса, шунча яхши. Эртан даволаш қанча эрта бошланса, унинг нафи шунчалик яхши бўлади.

Касаллиқнинг энгил шакли билан оғирган беморлар ҳам врач маслаҳати билан касалхонага ётиб даволаниши керак. Чунки энгил аломатлар билан бошланган касаллик қисқа фурсат ичида оғир шаклига ўтиб қолиши мумкин.

Вақтида бошланган даволаниш тадбирлари эса, касаллиқнинг оғирлашишига йўл қўймади. Иккинчидан, беморни касалхонага жўнатиш билан биз унинг атрофидеги оила аъзолари, ҳаммасалари, таниш-билишларининг саломатлиқларини сақлаб қолган бўламиз. Чунки бемор атрофдагилар билан мулоқотда бўлганида касаллиқни осонгина оқтиради. Бундай кишиларнинг озиқ-овқат қорхоналарида, магазинларда, сўт қомбинатлари, болалар муассасаларида ишлаши мумкинлигини кўз олдингизга келтириб қўлинг-а?

Модомки, шундай экан, ҳамма, айнакча, озиқ-овқат муассасаларининг ҳодимлари ўз саломатлиқларида бироз бўлса ҳам нохушлик сезганда дарҳол врачга мурожаат этишлари лозим.

Турар жойларини озода сақлаш, пашшаларни йўқотиш, турмушда шахсий гигиенага риоя қилиш, оқват олдиндан қўпни тозалаб ювиш, суви қайнатиб ичиш, қўп меваларни обдон ювгандан сўнг, қайноқ сув билан чиқариш, артиш, қолган оқватни иссиқ кунда сақламаслик оқватдан захарланишнинг олдини олишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бозорларда қатъий санитария тартиби ўрнатиш, чиқиндиларни вақтида тозалаб туриш, сотиб олинган мева ва сабзавотларни юмвасдан бозорда емаслик, ошхоналарда, сўт қомбинатларида ишни санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил қилиш, оқар сувларни турли чиқиндилар билан ифлосланишдан ақтиётлаш – одамларнинг оммавий равишда оқватдан захарланишнинг олдини олишда муҳим тадбирлар жумласига кирди.

ШОХБОЖ СИРОЖИДДИНОВ,
Саломатлик институти ҳодими, тиббиёт фанлари номзоди.

«Саломатлик»

лойихаси

Project «Health»



Правительство
Республики
Узбекистан



ПРОЕКТ :



Международный банк
реконструкции
и развития

Здоровье



30.07.2002


Касал кишига биринчи галда ширинсўз, соғайишига ишонч ҳосил қила билиш, қўлдан келганича яхши парвариш, қолаверса дори-дармон ҳам керак

ЎТТАН ДАВРГА БИР НАЗАР

Хўш, бош мавзуйимизни ўқиб, ҳайрон бўлдингизми? Йўқ асло ҳайрон бўлмаг. Чунки бу давр қачонлардир ўтган давр эмас. Атиги уч йил ичидаги даврдир. Эҳе, бу уч йил ичида «Саломатлик» лойихаси доирасида қанчадан-қанча ишлар амалга оширилди. Натижалар ёмон бўлаётгани йўқ. 3 компонент асосида олиб борилаётган ишларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор деганларидек, амалга оширилаётган ишлар лойиҳанинг мақсад ҳамда вазифаларини нималардан иборат эканлигини кўрсатиб бормоқда. Шундай экан биз газета ходимлари ҳам лойиҳа ташкил этилганидан буён ҳамкорликда ишлаб, бу борадаги ютуқ, камчилиги, муаммолардан боҳабар бўлиб, кўриб гувоҳ бўлган жараёнларимизни газетамиз саҳифаларида ёритиб келмоқдамиз. Бинобарин, лойиҳа доирасидаги вилоятлар билан бемалол яраб ишласанг бўлади. Биз маълум бир даврларда хизмат сафарига бўлиб, ишларингиз билан танишиб, яратилган шароитлардан ҳамда халқнинг мамнунлигидан илҳомланган ҳолда қўлга қалам олиб оқ қозғани қоралаймиз қарабсиз-ки, мақтовга лойиқ мақола чоп этиляпти... Тўғри мақтовга лойиқ бўлиш

биз учундир. Чунки биз фақат сизнинг узоғи билан 1-2 соатлик иш жараёнингизни кузатиб қайтишимиз мумкин. Сухбат жараёнида завқланиб гапирасиз, мақола ёзишга келганда негадир қаламингиз тўхтаб қолади. Ахир сиз умумий амалиёт шифокорисиз, оилавий ҳамширасиз. Нега қилган ишингизни оқ қозғани ифода этиб, тахририятимизга жўнатмайсиз? Сизга қанчадан-қанча билим бериш билан бир қаторда тажриба орттиришингиз мақсадида чет давлатларга чиқишингизга шароитлар яратилган. Наҳотки, бундай имкониятлар сизни илҳомлантормаса? «Саломатлик» лойиҳасининг мутасадди раҳбарлари шунчалик шароит яратиб берсалар-да, ўз ишингизни халқ оммасига тушунарли даражада еткази олмасангиз? Ораларингизда юлдуздай чакнаб ишлайдиганлар йўқ эмас-ку. Биз бу билан нима демоқчимиз? Хулоса шундайки, иш жараёнида тўплаган тажрибангизни тахририятимизга йўлласангиз, етишиб келаётган ёш тиббиёт ходимларимизга дастуруламал бўлиши ва шу билан бирга уларнинг кейинги фаолиятида муҳим аҳамият касб этишига ишончимиз қомил.

Сирдарё ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ врачлик пунктларидаги умумий амалиёт шифокорлари синовли дақиқаларда.



ЯНГИЛИКЛАР

НАЗОРАТ –

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ха, тўғри, назоратли иш муваффақият гарови дейишимиз бежиз эмас. Чунки ҳар бир мутахассис ҳам ўз ишини яхши билгани билан унинг фаолиятида ютуғи, камчилиги ва муаммоларини кимдир назорат қилиб, ўз вақтида рағбатлантириб, танбех бериб борса ишнинг унуми яхши бўлиб, самарадорлик юзага келади. Ана шундай самарадорликни андада ошириш мақсадида Сирдарё, Навоий ва Фарғона вилоятларида ёш мавсумида эпидемиологик ҳавфи вазиятга туман марказий шифохоналари ва қишлоқ врачлик пунктларидаги тайёргарликни, улардаги тиббий асбоб-ускуналарни самарали ўрганиб чиқиш мақсадида ҳар бир вилоятда 22 июлдан 27 июлгача 5 кишидан иборат бўлган ишчи гуруҳлари ташиф бўйриб, амалдаги ишлар билан танишиб қайтишди.

Ушбу гуруҳнинг текширув натижалари тўғрисида лойиҳанинг кейинги сонида танишасиз.

НАВБАТ АСОСИЙ АМАЛИЁТГА

Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктларининг шифокорлари 10 ойлик ўқув курсини тугатишиб, фаолиятларига қайтишди. Айниқса тингловчиларни тажрибали ўқитувчилар томонидан мукамал назарий ва амалий билимга эга бўлганликлари бундан мустасно эмас. Улар I-II ТошДавТИ ва ТошДавПИнинг врачлар ўқув марказида назарий билимга эга бўлиш билан бир қаторда беморларни қабул қилиб, амалиётдаги тажрибаларини янада оширдилар. Шунингдек, 10 ой ўқиш жараёнида, 2 ҳафта марказда бўлсалар, 2 ҳафта эса ўз муассасаларида бўлишиб фаолиятларини давом эттирдилар.

Яқиндагина улар олган билим ва тажрибалари юзасидан Тошкент шаҳар врачлар малака ошириш институтининг ўқув марказида оғзаки ҳамда ёзма равишда имтиҳон топширдилар. Олган лойиҳаларини химоя қилдилар. Ўтказилган имтиҳон тайёрланган лойиҳаларни айримлари ўқитувчилар томонидан яхши баҳоланди.



ЎҚИТУВЧИЛАР ИМТИҲОН ТОПШИРИШАДИ

Агар зиёли инсондан: «Сиз фаолиятингиз давомида қандай ишлар билан шуғулланишни ҳуш қурасиз», деб сўралса улар: «Ўз билимим устида ишлашни ва изланишни», деб жавоб берадилар. Ҳа, албатта улар ҳақ. Чунки интилимсанг, изланмасанг, касб-корингдан фахрланиб ишланмасанг, жамиятга фойда келтирмасанг, умрингни зое кетган шун. Йўқ бизнинг Ўзбекистонда қомилликка интилиб яшаётган инсонларимиз талайгинадир.

Ана шундай инсонлар қаторидан ўрин олган «Саломатлик» лойиҳаси доирасида фаолият кўрсатаётган Республикаимиздаги I-II ТошДавТИ, СамДавТИ, БухДавТИ, ТошДавПИларининг врачлик ўқув марказидаги тажрибали ўқитувчилари 15-16 август кунлари Тошкент шаҳар врачлар малака ошириш институтининг врачлар ўқув марказида консултантларга билим ва малакалари бўйича имтиҳон топширадилар.

ОБУНА-2002

ИЛМ ХАЗИНАСИ

Муҳтарам «Саломатлик» лойиҳаси доирасининг муштарийлари! Сиз билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганимиздан фخرланамиз. Чунки сиз халқимизнинг дардида дармон бўлгувчи нажоткорларисиз. Ҳа, меҳнатингиз ўзининг юксак маҳсулини бераётган эканки, ҳудудингиздаги халқ бугунги кунда сиздан миннатдор. Демак, қалбдан ва оқ халатингизга доғ туширмай меҳнат қилаяпсиз. Бу меҳнатингиз самараси ва сизни халққа танитаётганлигидир. Шу боис, фаолиятингиз ҳамда бой тажрибаларингиз тўғрисида биз билан ўртоқлашсангиз, юборган материалларингизни газеталаримиз саҳифаларида тарғиб қилсак, ўсиб келаётган ёш авлодлар фаолиятида муҳим ўрин эгаллашига аминимиз. Шунингдек, сеvimли газетангизга ўз вақтида обуна бўлиб, мунтазам равишда ўқиб борсангиз илмлар хазинасига кириб бораверасиз.

Хали ҳам кеч эмас иккинчи ярим йиллик учун обуна давом этмоқда. Обунага шошилинг азиз муштарий!



**Нашр
индексимиз: 127.
ТЕЛ.: 133-13-22,
133-57-73.**

«Саломатлик»
лойиҳаси
Project «Health»

Здоровье



Правительство
Республики
Узбекистан

Международный банк
реконструкции
и развития

ОРТИҚЧАЛИК ҚИЛМАЙДИ



Суйунбой ДУШАНОВ, Сирдарё вилояти, Ш. Рашидов тумани «Боги шамол» қишлоқ врачлик пунктнинг умумий амалиёт шифокори.

— Мана, кўп йилдирки, шифокорлик касбини жону-дилимдан севиб, халқим саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдам. Йилдан йилга бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир соҳа вакиллари ишларининг ривожига-ривож

қўшапти десам муболага бўлмас. Жумладан, тиббиётимиз тизимидаги ишлар ҳам айрича касб этмоқда. Бу борада Республика шохлининг тиббий ёрдам илмий маркази, унинг филиал ҳамда бўлимлари ва замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг иш олиб бораётганлиги, халқимиз саломатлиги йўлида қилинган ишларнинг каттагина дебочасидир. Энди бу дебочани меъёрига етказиш тиббиёт ходимларининг зиммасига улкан масъулият юқлаётганлиги ҳеч биримизга сир бўлмас керак. Давлатимиз иқтисодий даражасидан келиб чиққан ҳолда барча зарурий шарт-шароитларни яратиб берди. Эндиги асосий вазифамиз эса халқ билан ҳамоханликда ишлашни тақозо қилмоқда. Шунинг учун тиббиётдаги узлуксиз ўқишлар, изланишлар ҳеч қачон ортиқчилик қилмайди. 10 ой давомида тажрибали мутахассисларимиз томонидан олган назарий ва амалий билимларимиз аҳоли билан кўпроқ ишлашимизга замин яратганлиги ва уни амалда ба-

жариш ишимизнинг асосий нуктаси нимадан иборат эканлигини кўрсатиб турибди. Мен ҳам барча ҳамкасбларим қатори халқим саломатлиги йўлида хизмат қилиб, касалликларни ўз вақтида олдини олиш учун, жамоамиздагилар билан ҳамкорликда фаолият юритиб, халқни фикрдан келиб чиққан ҳолда иш олиб бо-

риш мақсадида муаммо бўлиб турган касаллик тўғрисида лойиҳа иш олган эдим. Ушбу ишни оз бўлса-да тажрибамда синаб кўрдим. Лекин бундай муаммолар лойиҳалар тўхтаб турмайди. Сабаби, оилада ёки қариндош-уруғда бундай касалликлар мавжуд бўлиши мумкин. Бунинг учун эринмасдан касалликларни келиб

чиқиш сабаблари-ю, ҳамда унинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирларни қўллаш усулларини пухта ўрганиб, халқ орасида тўғри тағриботларни олиб бурсак, ана шундагина 10 ойлик курсда олган билим тажрибаларимиз ўзининг натижасини бериши фойдадан ҳоли эмас деб ўйлайман.

МАҲОРАТ МЕЗОНИ

— Авваламбор, инсон саломатлигини сақлаш, унга яхши муомала қилиш, дардига даво топиш — бу шифокорнинг энг масъулиятли вазифасидир. Мана, кейинги беш йил ичида тиббиётимиз тизимида ислохотлар асосида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, «Саломатлик» лойиҳаси дастури асосидаги ишлар бу гапларимнинг яққол далилидир.

Шунингдек, малакали, етук кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масаласи. Шу боис, биз ҳам Тошкент врачлар малака ошириш институтининг ўқув марказида «Саломатлик» лойиҳаси дастури асосида амалий ва назарий билимларимизни, тажрибаларимизни янада ошириш мақсадида 10 ой мобайнида тахсил олдик. Ўқиш давомида янгича даволаш усуллари, янги асбоб-ускуналарда ишлаш ва янги доридармонлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдик, чет эллик ҳамкасблар билан фикр алмашдик. Ўқиш жараёнида бирламчи тиббиёт бўғинида касб этакдиган умумий амалиёт шифокорининг вазифалари, мақсади, шаҳар таъриб пункти шартотида қандай роль ўйнаши, соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида тўғри таъриб қилиш бўйича янги ахборотлар олдик. Шу билан бирга

ШВП ва КВП шартотида ҳар хил касалликларга қарши курашиш, олдини олиш ва янги даволаш усулларини қўллаган ҳолда лойиҳа тайёрладим. Эндиликда эса ана шу янгича назарий ва амалий билимларни, тажрибаларни маҳаллий аҳоли билан ишлаш жараёнида қўлайман.

Ха, Жаҳон банки томонидан берилаётган асбоб-ускуналарда ишлаш биз шифокорларда янада қизиқиш уйғотмоқда. Яна шунинг айтишим керакки, ушбу замонавий асбоб-ускуналарда ишлашни ва аҳолини янгича даволаш сирларини бизларга «Саломатлик» лойиҳасининг координатори Ф. Фузайлов, ЗдравПлюс бошлиги М. Абдуллаева, кафедра довлаларидан Д. Газизова, Д. Мавлонова, англиялик Анвар-ХОН ва кўлаб профессор, доцентлар ўргатиб, сабоқ бердилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли билан ҳамнафас бўлиб ишлашимизда, уларнинг таъкифи, истак ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолдагина амалга оширилса, мураккаб вазиятдаги ишларимизда ҳам енгиллик туғилади. Мен энди янгича иш фаолиятимни «Шаҳар врачлик пункти шартотида туғиш ёшидаги аёлларнинг замонавий контрацепция воситаларидан фойдала-



Норой ДУСТМУРОВА, Сирдарё вилояти, «Дўстлик» шаҳар врачлик пунктнинг умумий амалиёт шифокори.

ниш» лойиҳаси асосида олиб бораман. Бундай ишларни янада чуқурроқ олиб бориш, яхши натижаларга эришишда ҳар бир шифокор ўз маҳоратининг юқори эканлигини кўрсата олиши керак. Шу изланиш, халқ билан ишлаш, янгича олган билимларимизнинг пойдевори бўла олади деб ўйлайман.

— Это актуально —

УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ

11 июля т. г. ЦБРП «Здоровье» (Туртаев М. Р.) совместно с проектом по ЮСАИД/ЗдравПлюс, в составе Субрата Рауф — директора проекта по финансированию и управлению, Салихова Ф. В. — специалиста по финансированию, выехали в Навоийскую область, где посетили Навоийский район и встретились с заведующими СВП.

Во время посещения Навоийской области был подробно изучен ход реализации финансового эксперимента с участием заведующего Навоийского областного управления здравоохранения (Насыров А.) и представителями ЮСАИД/ЗдравПлюс в Навоийской области. Также посетили Областное финансовое управление и Навоийский областной хокимият и встретились с председателем Областного координационного совета по реформам и начальником Областного финансового управления.

В ходе посещения изучили ход реализации эксперимента в соответствии с постановлением КМ РУз №100, в частности, обеспечение финансирования юридически самостоятельных учреждений ПМСП из расчета на душу населения единой суммой к конкретному числу из расчета 1/12 часть годового бюджета. Изучение данного вопроса показало, что в последнее время данный принцип не выполняется, в результате не обеспечено качественное внедрение эксперимента, что не обеспечивает стабилизацию финансового состояния учреждений ПМСП. Например, с 1 по 5 числа финансируется 1, 2 группы, с 13 по 20 числа — другие статьи расходов.

2. Произошло изменение в экономической службе Обла-

ного управления здравоохранения. Замира перешла на работу в ЮСАИД/ЗдравПлюс и вместо нее пришла на работу Максуда — начальник планового отдела из Навбахорского района, которая ранее работала в Областном управлении здравоохранения. При обсуждении данного вопроса совместно с областным ЮСАИД/ЗдравПлюс убедительно просили, чтобы Замира оказала активную помощь Максуде для быстрой адаптации к работе и подключению к реализации финансового эксперимента.

3. В настоящее время отобрано 38 новых финансовых менеджеров для новых учреждений ПМСП пилотных районов в соответствии с включением в эксперимент СВА — ФАП, СУБ — ФАП комплексов. По данному вопросу принято решение Навоийского областного хокима от 29.05.2002г. №К-119 и издан приказ Областного управления здравоохранения.

4. Также посетили Навоийский район, где встречались с заведующими юридически самостоятельных учреждений ПМСП и ознакомились с возникшими проблемами по реализации проекта:

1) отсутствие достаточного количества охранных в юридически самостоятельных учреждениях ПМСП;

2) невозможность в пределах фонда зарплат обеспечить подготовку учреждений к осенне-зимнему периоду;

МЕХАНИЗМА ФИНАНСИРОВАНИЯ

3) для учреждений ПМСП с количеством обслуживаемого населения менее 1500 человек установлена ставка ВОП в рамках 0,75 ставки, что создает проблему укомплектования врачами этих учреждений;

4) действующие штаты СВП намного меньше, чем СВА;

5) в представленных объявлениях на финансовых менеджеров не указаны места работы в учреждениях ПМСП. Не создана рабочая группа по их отбору.

По всем выше названным проблемам Минздрав своевременно обращался с письмами, однако полученные ответы не удовлетворяли. По всем возникшим вопросам даны разъяснения, и на одном из заседаний рабочей группы необходимо еще раз вернуться к ним.

6. Анализ укомплектованности СВП финансовыми менеджерами показал, что в Навбахорском районе из 8 СВП 3 СВП не укомплектованы финансовыми менеджерами; в Навоийском районе из 10 СВП не укомплектовано 2 СВП; в Нурутканском районе из 9 СВП в одном отсутствует финансовый менеджер.

7. Каждое учреждение составляет статьи расходов самостоятельно из расчета 1350 сум/чел. в 2002 г.

При составлении приняты коэффициенты, учитывающие половозрастную структуру населения и количество обслуживаемого населения. Например, для СВП, обслуживающих менее 2000 человек, принят коэффициент 1.4, для 2000 более — 1.2.

В ходе встречи в областном хокимияте в целях качественного обеспечения реализации финансового эксперимента были под-

няты вопросы о создании объединенной рабочей группы по совершенствованию финансирования и управления первичного звена здравоохранения. На данном заседании регулярно не менее одного раза в квартал будут обсуждаться возникшие проблемы и приниматься решения. Данное предложение было принято единогласно. Кроме того, было решено установить мониторинг реализации финансового эксперимента в соответствии с постановлением Кабинета Министров №100 от 5 марта 1999 г.

Сырдарьинская область

С целью изучения состояния внедрения финансового эксперимента организована поездка в Сырдарьинскую область в составе: Туртаев М. Р. — координатор проекта «Здоровье», Субрата Рауф — директор проекта по финансированию и управлению, Салихова Ф. В. и Хакимов М. А. — специалисты по финансированию проекта ЮСАИД/ЗдравПлюс. Во время поездки посетили Ахунбаевский СВП Мирзаабдоговского района и СВП «Наврӯз». В Ахунбаевском СВП провели подробный анализ реализации финансового эксперимента с участием директора ОБРП, главного экономиста Областного управления здравоохранения, главного врача ЦРБ, заведующего СВП и финансового менеджера. В ходе обсуждения выяснилось, что финансирование СВП осуществляется по душевому принципу, и к 5 числу каждого месяца на расчетный счет СВП поступают средства из расчета 1/12 общего годового бюджета одновременно. Финансовый менеджер обслуживает 2 СВП — Ахунбаевский и Малик.

